



АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФАС АЛАЙХИССАЛОМ ЗИКРИ

Абулчахон ибн Туркхон салтанат тахтига ўлтиргач ва хос мулкка мушарраф бўлгач, отаси русуми ва коидалари бўйича халк манфаатлари йўлида бир қадар тадбир кўрди. Чунончи, улусларни ямик ва ясор (канотларга) белгилади. Ўнг канот одамларини авангор, сўл канот одамларини жавангор деб атадилар, Ва амр килдики, авангор халки харгиз чап томонга ўтмагай, жавангор халки ҳеч вақт ўнг канотга келмасликлари зарур; қачон бўлмасин подшоҳ ҳузурида ва унинг суворийси бўлсалар. Турмушни шундай туздики, унинг замонида барча раият, ақобир халқ хизматида, унинг эҳтиёжини қондирмоқ, хотирини шод қилмоқ пайидан бўлгайдар. Ёши улуглашганда ва (ҳудо даргоҳига) жўнашдан ўзга чора қолмагач, салтанат тахтини, отаси сингари тўнгич ўғли Дибадқуйга топширди. Ўзи дунё билан хайрлашди. Қолган умрини тоату ҳақ ибодатида сарф қилди. Ўзлатнишинликни ўзига шир қилиб олди. Ҳақ субҳона ва таолодан ўзгани демади.

ДИБАДКУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФАС АЛАЙХИССАЛОМ ЗИКРИ

Дибадқуйхон жаҳонбонлик ва ҳоконлик саририга ўлтиргач, Туркистон салтанати тахтига чиқди, адлу додни ўз сиёсатида зиёда қилди. Яхши расм-русумлар жорий этди. У умридан барақа топгач, омонатни топшириш вақтида мамлакатни ўз ўғли Қуюқхонга топширди.

ҚУЮҚХОН ИБН ДИБАДКУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФАС ИБН НУХ АЛАЙХИССАЛОМ ЗИКРИ

Куюкхон салтанат саририга кадам кўйгач, подшолик юмушларига бел боглади. Отаси русўми йўлидан заррача ҳам четга чикмади. (в. 156) Ва адлу инсоф шохрохидан четга чикмади. Вафот этаётган чогида меросий вилоятни ўгилларининг тўнгичига — Алмужаннахонга колдирди.

АЛМУЖАННАХОН ИБН КУЮКХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФАС АЛАЙХИССАЛОМ ЗИКРИ

Алмужаннахон мамлакат тахтига қарор топди ва жаҳондорлик маросими ва мамлакаткушойлик вазифаларини бажаришга киришди. Унинг замонидан нозу неъмат туркларда мўл-кўл эди. Молу мулк гурури ва бойлик оҳанги туфайли саркашлик ва куфроний неъмат килдилар ҳамда тўғри йўлдан қайтдилар. Дину миллатни тарқатдилар. Залолат ва гумроҳлик йўлини тутдилар. Чунончи, уларнинг барчаси қофир бўлдилар. Шу зайдан биров муддат ўтгач, Алмужаннахон хонадонидан бир қориндан икки ўғил туғилди. Бирини Тотор деб атади, иккинчисига Мўгул деб ном берди. Иккала ўғил ҳам қатта бўлишди ва ҳукуматни бошқариш даражасига етдилар. Алмужаннахон қариганида қар икки ўғилни салтанатга қобил қўрди. Меросий мамлакатини ўғилларига бўлиб берди. Ярмини Тоторга ва ярмини Мўгулга топширди. Бу иккала ўғил оталари вафотидан сўнг бир-бирлари билан ахилликда ўз қавмлари ва тобеъларини бошқардилар. Шундан биров муддат ўтгач, улар икки шўъбага айландилар. Бирини тоторлар, иккинчисини мўгуллар деб аташ бошладилар.

ТОТОР ТАБАКАСИ ЗИКРИ

Тарих муҳаррирларининг таҳририга қўра, тоторлар саккиз шўъбага бўлинадилар. Бирини Тоторхон бўлиб, тотор маликларининг биринчиси эди. Иккинчиси Букохон Тоторхоннинг ўғли бўлиб, отасининг жойига ўлтирди ва тотор қавмлари ҳукуматини бошқарди. Оталар улушига эгаллик қилди. Учинчиси Алмужаннахон ибн Букохон ибн Тоторхон ибн Алмужаннахон ибн Куюкхон ибн Дибадқуйхон ибн Абулҷахон ибн Туркхон ибн Ёфас алайхиссалом бўлиб, отасидан кейин мамлакатни бошқариш ишига мутасадди бўлди. Алмужаннахон ибн Букохон вафот топгач, ўғли Ансилхонки, баъзилар уни Алайлихон ҳам дейишадики, аммо бу тўртинчисидир. Ансилхон ибн Алмужаннахон ибн Букрхон мамлакатга ҳукмдор бўлди. Ҳаёти муддати поёнига етгач, қорин олаидан йўқлик оламига жўнади (в. 16а). Бешинчиси Этсизхон ибн Айсилхон подшоҳ бўлди. Олтинчиси Одухон ибн Этсизхон бўлиб, отасидан кейин Тотор улусига эгаллик қилди. Еттинчиси Бойдухон ибн Одухон ўз тоифасига малик бўлгач, оталаридан қувватлироқ ва шавкатлироқ бўлгани сабабидан Мўгул улуси чегаралари томон лашқар қортди. Улар ўртасида муҳолифат пайдо бўлди. Саккизинчиси Севинҷхон ибн Бойдухон бўлиб, Тотор.

маликларининг сўнггиси эди. Хукмдорлик унга етганда фитнаву адоват ўти чунон аланга олдики, аслига ислох хожати йўк эди.

МЎГУЛ ТАБАКАСИ ЗИКРИ

Ёзишларича, мўгул шўъбаси тўккиз нафардир. Уларнинг дастлабкиси Мўгулхон, уларнинг охири Элхон ва тўккиз ракамига эътибор мўгул фиркаси орасида шу важхдан ривож топади. Мўгулларнинг бундай эътибори тахкикга кўра, хар мартабада тўккиз саногидан ор-тигини лозим кўрмайдилар.

МЎГУЛХОН ИБН АЛМУЖАННАХОН ИБН КУЮКХОН ИБН ДИБАДКУЙХОН ИБН ЁФАС ИБН НУХ АЛАЙХИССАЛОМ ПОДШОХЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Мўгулхон ўз мулклари хиссасида истиклол ва тамлик билан яшай бошлагач, салтанат ишлари вазиятида бир навъ киришди. Раият эътиқоди ва ризоси бўйича иш тутди. Бу фоний оламини тарк этганда ундан тўрт ўгил колганэди. Биринчиси Корахон, иккинчиси Ўрхон, учинчиси Кўзхон, тўртинчиси Авурдахон. Оталари вафотидан кейин Хар тўрт огаини салтанат ишларини бир-бирларига мўроот килдилар. Окибатуламр, хар уччала ука иттифок бўлишиб, ўз катта акалари Корахонни хонлик тахтига ўтказдилар.

КОРАХОН ИБН МЎГУЛХОН ИБН АЛМУЖАННАХОН ИБН КУЮКХОН ИБН ДИБАДКУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФАС ИБН НУХ АЛАЙХИССАЛОМ ПОДШОЛИГИ ЗИКРИ

Корахон Мўгулхон фарзандларининг тўнгичи эди. Отаси ўрнига ўлтирди ва мўгул юрти (хукмдори) бўлди. Ва Коракурумда икки тоғ оралигини, ки уларни Арток ва Карток дейдилар, ўзи йўл, тобелари билан яйлок ва кишлок тайин килди (в. 166). Назм (мазмун):

Корахон аркони давлати билан юртини жойлаштириш учун жой кидириб йўлга тушди. Халкни авангор ва жувонгорга ажратди. Ўзи манглайда от сурди. Канча кидиришмасин кўнгилдагидек жой топилмади. Келурон (шахри) якинидаги Току Турумга ва Коракурумга якинлашдилар. Тоифага Коракурум ёкди. Гартук ва Арток деб аталувчи икки тоғ оралигида тўхтадилар. Шу ерда яйлов ва кишлок курдилар.

Айтишларича, мўгул фиркаси Корахон замонида куфру ширкатда чунон мустахкам

эдиларки, масалан, алар бирор фарзанд миллатга куфр иш билан нуксон етказса, бу ишида собит ва росих бўлмас эдилар. Отаси уни шу даражада кахр килар эдики, катл этишгача борар эдилар. Фарзандига ота шафкати инобатга олинмасди. Иттифокан, Корахон хукмронлиги ва жахондорлиги даврида мансабдор бир хотундан бир ўгил тугилди. У гоятда чиройли ва мўйлари мли. Аммо, уч кеча-кундуз онаси сутини олмади. Хар кун ул хотун (куюнарни), окибат бахтли бир кечада туш кўрдики, (тушида) тўдак деди: «Эй она, то сен мусулмон бўлмас экансан ва худойи таоло ягоналигига имон келтирмас экансан, хаппараст бўлмас экансан, мен сенинг эммасман». Тўгри йўлни кўрсатган бу саодатни ни беркитди, зохирга хилоф тарзда ўз имони изхорини айта олмади. Ва лекин, Хуфияда худопарастлик йўли накшларига интилди. Ўша дамда ул гўдак унинг кўкрагини эма бошлади. Тугилганидан бир неча кун ўтган ва умри муддати бир ёшга етганда гоят хушсурат бўлди. Чунки унинг зохирий хусни ботиний жамоли каби камолот авжи даражасини эгаллади. Назм (мазмун):

Хусни рухига сен бокканинг чок кўзлари ичра хордир меҳру мох. Ер юзи шундайлардан орастадир, худо меҳри дилида пийрастадир.

Ўша даврдаги мўгуллар одатига кўра, фарзанд бир яшар бўлмагунча унга ном берилмасди. Алкисса, Корахон она-бола хилватгоҳига кирди. Ўгилни кўрди: хусни ой парчаси мисоли бешикда нур таратарди. Жамоли партави офтобдек офтобнинг ойга нур бахш этганидек эди. Корахон гояти шодлигидан тўй бошлаб юборди. Ўша базмда аркони давлат, мўгул кавми амирлари хузурида фармон бердики, акобирлар жамъ бўлгач, ўз хотинига деди: «Ўғлимиз бир яшар бўлди. Унга кандай исм кўямиз?» Дархол халиги бир яшар гўдак бешикдан фасихзабонлик билан тилга кириб деди: «Менинг номим Ўғуздир». Назм. (мазмун):

Бир яшар бола тилга кирди ва менга Ўғуз деб ном беринглар, деди. Одамлар унинг сўзини эшитиб, бу ишдан таажжубда колдилар. Дунёда бундай ажойибни, бир ёшли боланинг гапираётганини энди кўришаётган эди.

Хозир бўлганлар бу маънидан гоятда таажжубда колган эдилар. Шундан кейин уни мазкур ном билан аташга қарор килдилар. Ўғузхон балогат ёшига етгач, Корахон унинг учун укаси Ўрхоннинг кизини никохлаб берди. Бинобарин, у кизнинг холи жамоли имон хулёсида юз кўрсатмаган эди. Баркамол жамоли туфайлидан у билан ошнолик даражасида муомила килди. Бовужуди якинлик ва хешлигидан бегоналик изхорини килди. Илтифот назарини унга ташламади. Хар кун ов ва сайр бахонасида ўзини ул жамила суратли ва маънавий ноладаги (киздан) узок тутарди.

Аслан ва катъан ўз хотирини унинг томонида билмади. Отаси Корахонга ўгли Ўғузнинг ул сафо кизга майли йўклигини хабар килганларида гоятда жахлга минганларидан Ўғузхонни Корахон хузурига етакладилар ва у иккинчи амакиси Кўзхоннинг кизини сўратди ва Ўғузхонга олиб берди. Бу киз ҳам дини исломдан хориж эди. Бунинг билан ҳам иродат килмади. Шу сабабли Корахон малулу гамнок холга тушди. Беҳад андишалар билан истадики, Ўғузхоннинг учинчи амакиси Ўрхоннинг кизини Ўғузхоннинг ризолигисиз (в. 176) (олиб беришга) ботина олмади. Шу асно юз кўргузгунча бир куни Ўғузхон шикордан кайтар эди. Йўли учинчи амакиси Ўрхон махалласидан тушди. Унинг кизи караса, Хиромон ариги тарафга жомашўйларни томоша килмокка кетарди.

Ўғузхоннинг кўзи ўша кизга тушди. Кўриниши унчалик соҳибжамол бўлмаса ҳам ботиний сафолиги, акидаси сидкида шохидлар ахли назарида бир оят намоён бўларди. Кўзлар бу киз рухсорида очилар, рамз билан имо килардики, агар сен Хак субхона таоло ягоналигига гаров бўлсанг, мен сени ўз никоҳимга олурман ва ширин жонимдан

хам ортиқрок севарман. Назм (мазмуни):

Фаррух сўзларини ул киз эшитди, ибо билан секин жавобин деди. Ахду паймонингдан бўйин товламам, сеники бўлганда фармонингдаман.

Ўғузхон ўз амакиси кизидан бу изхори итоатни ва итоатгўйликни фахмлагач, дедики, Назм (мазмуни).

Сен никохимга кирадиган бўлсанг, дунё ва дин номидан севишлик химматим бордир. Мехрим билан юзинг куёшини (нурга) тўлдирурман. Ойникидек лаъл (тиш)ингни дур килурман. Кўлимдан келганча сени бошга кўтараман, доимо хотинлар сарвари бўлиб колурсан.

Ўғузхон билан амакиси кизи ўртасида имову ишора-лар билан ахду паймонлар ўртага кўйилгач, Ўғузхон отаси томон шошилди. Латифликлар билан майл кўргузиб, учинчи амакиси кизига уйланиш учун рухсат олди. Ўл бону киз Ўғузхон тиззига бош кўйганидан бошлаб улар ўртасида чунон улфатлик пайдо бўлдики, Ўғузхонни одамлар собик бонулар хоналарида камдан-кам кўрадиган бўлдилар. Бу киз билан бирга мужомиати кўп бўлганидан балки бошқаларга илтифот килмай кўйгандир. Бундан илгариги хотинларининг дил рашклари тандур оташидек тобланди. Гайирликларидан кийна темири хар иккиси дил оташида тоб бера олмай колди. Уларнинг мухаббати ва мувофакати бегоналар ва хешлар ўртасида дилрешлар зарбулмасалига айланди. Бул тўлин ой сиймоси хуршидликолар меҳри офтоб нуридан (нури сабабли) ўз кийр монанд тундек кора дилларида сурати хусни йўқлигидан, бу маънавий зиё нуруни Корахон (в. 18а) кўра олмади.

Уларнинг тотув турмуши воқеасини эшитганда та-ажжуби орта борди. То бир куни Ўғузхон шикорга кетганда, Корахон тўй тантанасини уюштирди ва Ўғузхоннинг барча хотинларини зиёфат килди. Сухбат асносида улар холи кайфиятидан сўради.

Хотинларидан биринчиси Ўғузхон холи сурати ва унинг мусулмончилигидан, уларни мусулмонлик динига даъват этиб, ўзи қабул килмаслик иулидан боргани, унинг эътибори назаридан колгани, Урхоннинг кизи учинчи хотини ривожи ва эътиборини ихтиёр килгани ҳамма-хаммасини Корахонга батафсил миридан-сиригача сўзлаб берди.

Назм (мазмуни): Корахон хузурида Ўғузхон хотинлари кўзлари ёшга тўлиб (дедилар): «Эй шох, умринг фузун бўлгай, душманинг халкуми конга тўлгай. Хуш кунларингда душман бўлмасин. Умрингни берсин. Сен билан кариндош бўладиган бўлсак, сендан бўлак бизга шох керак эмас. Дунёда сенинг динингдан бошқасини тан олмагаймиз. Сенинг тутумингдан бошқасини килмаймиз. Ўғуз бошка динни ихтиёр килди.

Унинг дини билан ишимиз йўқ. У динини бизга таклиф килганда, гамдан дилимиз тилинди. Унга эргашмадик, шу боис бизга душман бўлди. Учинчи хотинга севиб уйланди.

Ўша унга хамроз, хамрох, хамдин бўлди». Корахон бу сўзларни эшитиб, хайратда колди.

Кафча илондек тўлганди. Ичи ёниб сўзлади: «Отаси динидан кечган ўғулнинг дилини кийна тиги билан тилмок лозим. Ўғузхон жонимдан азиз бўлса хам, ўткир шамшир билан ишини килурман. Дину урфимдан кайтган экан, ханжар билан бошини кесмок лозим».

Кейин лашкар жамлашни буюрди. Миллат газабидан жон деб бу ишга бел боглади.

Корахон ўз келинларидан бу сўзларни эшитгач, ўт пурковчи равзан унинг димоги касридан дуд чикарди, кахру газабининг совук сарсар шамолидан калтирай бошлади. Ўз кариндошлари ва (в. 18б) аркони давлатигаки, хозир эдилар, ўглини койий бошлади ва дедики, лашкар ва сипох жамъ бўлсинлар, токи нахчиргохгача боришсин, Ўғуз канорига сазо куюрманки, бошқаларга ибрат бўлгай. Лашкар жамъ килмок, жанг жихозларини хозирламок учун хабар берди-лар. Жарчилар жар солдилар. Токи одамлар тайёргарлик

кўрсинлар. Шу вақтда Ўғузхоннинг ул муслима хотини бу маънидан хабар топиб, жадаллик билан тезда эрини шикоргоҳда огоҳ килди. Хакикатдан вокиф бўлгач, Ўғузхон, бу иш тадбири фикрида эдики, бирдан Корахон лашкари ҳар тарафдан ўраб олдилар. Ўғузхон иложсиз қолиб, ўзи билан ҳамроҳ бўлган бир неча одамлари билан парвардигор зоти покига таваккул қилиб жангга кирди. Корахон ўз нафси билан саваш гирдобига етишди. Бу томонлар учрашувида икки лашкарнинг темир пачокловчилари қўли зарбидан жанг оташи аланга олди. Назм (мазмун):

Отлар жанг қуни елишидан, осмонга кора гард кўтарилди. Симобранг шамшир селпинишидан жаранглаб фиғон билан дилларни чок этарди. Шикордагидек бир-бирларига ташланишди. Ўғузхоннинг жангга киришдан бўлак чораси қолмади. Жангарилик уни етаклади, Чочий камонидан наъра билан ота бошлади. Ёнидаги ботирлар қўлда шамшир билан унга қўмак берардилар. Йиқилган-лар жонидан умид узиб, ботирлар қони деб тиглар ботарди. Икки лашкар чунон бир-бирига аралашиб кетдики, оташ пўлодидан тиркирашарди. Корахон ибн Мўгул подшоҳи гул билан Ўғуз сари хужум қилди: отини никтаб камчи босиб, адоват қўлида табар дастасин тутиб, Ўғуз пешонасини мўлжалга олмоқ истади. Улкан тоғни гардун судраганидек, ногаҳон қадар камондори шастидан учган ўк Қарохон жонига қелиб қадалди. Офтоб шу қуни қазаб сочарди.

Қарохон икки лашкар ўртасида қобуд бўлиб, тупроқ билан қароқар бўлди.

Лашкарларининг қарчаси қочибга юз тутиб, ер қирла қасон бўлдилар. (в. 19а) Қошқа (қолган) аъёнлари ва улус атрофлари қарҳол Ўғузхон қузурига қелдилар ва қамонларни қандаликнинг қулоқ қалқасига айлантирдилар. Итоат қамарини қон қелларига қоладилар. Қарча қалқ, қаттадан қичикқача қарча элу улус қуслумон бўлдилар. Ўғузхонга қасам қелтириб, унинг подшоҳлигидан қарҳранишларини изқор этдилар.

давоми қор